

Х у к м  
Ўзбекистон Республикаси номидан

2026 йил 8 апрель куни жиноят ишлари бўйича Қумқўрғон туман судининг очик сайёр суд мажлиси Қумқўрғон туманидаги 69-сонли "Янги Ўзбекистон" Маданият маркази биносида бўлиб, туман судининг раиси Б.Тагаевнинг раислигида, М.Қурбонваннинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Қумқўрғон туман прокурори ёрдамчиси А.Ҳасанов ва ҳимоячи-адвокат Т.Қоробоевларнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 229<sup>1</sup>-моддасининг 2-қисми билан Абдираимов Азамат Абдивоҳидович ҳамда Рабиев Нурали Халмуминовичларни айблаш ҳақидаги 1-1908-2601/59-сонли жиноят иши кўрилди.

Абдираимов Азамат Абдивоҳидович, 1989 йил 6 декабрь куни Қумқўрғон туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, икки нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, ҳеч қаерда ишламайди, Қумқўрғон тумани, Янги Ўзбекистон маҳалласида яшайди, иш бўйича эҳтиёт чораси тариқасида муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат орқали очикда қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2026 йил 15 март куни олган.

Рабиев Нурали Халмуминович, 1954 йил 1 январь куни Бойсун туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, олти нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, нафақахўр, ҳеч қаерда ишламайди, Қумқўрғон тумани, Оқтом маҳалласида яшайди, иш бўйича эҳтиёт чораси тариқасида муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат орқали очикда қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2026 йил 15 март куни олган.

Суд очик суд мажлисида судланувчилар, фуқаровий даъвогарлар ва гувоҳларнинг кўрсатувларини, прокурор ва ҳимоячининг музокара нутқлари, судланувчиларнинг музокара, ҳимоя ва охирги сўзларини тинглаб, жиноят ишидаги далилларни ўрганиб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и :

Судланувчи А.Абдираимов 2021 йил 16 августдаги Ўзбекистон Республикасининг “Ер участкаларини ажратиш ва улардан фойдаланиш, шунингдек ерларни ҳисобга олиш ва давлат ер кадастрини юритиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 708-сонли Қонуни талабларини ҳамда 08.06.2021 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 6243-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 17.06.2019 йилдаги “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5742-сонли Фармонининг 5-бандидаги "суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерлари махсус муҳофазага олиниб, ушбу



ерларни қишлоқ хўжалигидан бошқа мақсадларга, шу жумладан саноат ва фуқаролик объектлари бинолар ва иншоотлар қурилиши учун ажратилишига йўл қўйилмаслиги" ҳақидаги талабларини қўпол равишда бузиб, туманда фаолият кўрсатган "Абдурахмон Хошим" фермер хўжалигига ижара асосида 49 йил муддатга пахта ва ғалла маҳсулотларини етиштириш учун ажратилган, Қумқўрғон туман ҳокимининг 24.01.2019 йилдаги Қ374-сонли қарори билан "Абдурахмон Хошим" фермер хўжалиги балансида бўлган ер майдонидан қилшоқ хўжалиги харитасининг 106қ-дала контуридаги, 64,8 балл бонитетли суғориладиган ер майдонининг 60,0 квадрат метр ер майдонини ноқонуний эгаллаб олиб, 2022 йил август-сентябрь ойларида ўзбошимчалик билан  $10,0 \times 6,0 = 60$  квадрат метр ўлчамдаги молхона биноси қуриб олганлиги натижасида суғориладиган ер майдони муомаладан чиқиб кетиши давлат ва жамоат манфаатларига 6.565.957 сўмлик зарар етказилишига сабабчи бўлган.

Судланувчи Н.Рабиев, 2021 йил 16 августдаги Ўзбекистон Республикасининг "Ер участкаларини ажратиш ва улардан фойдаланиш, шунингдек ерларни ҳисобга олиш ва давлат ер кадастрини юритиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги 708-сонли Қонуни талабларини ҳамда 08.06.2021 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 6243-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 17.06.2019 йилдаги "Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5742-сонли Фармонининг 5-бандидаги "суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерлари махсус муҳофазага олиниб, ушбу ерларни қишлоқ хўжалигидан бошқа мақсадларга, шу жумладан саноат ва фуқаролик объектлари бинолар ва иншоотлар қурилиши учун ажратилишига йўл қўйилмаслиги" ҳақидаги талабларини қўпол равишда бузиб, туманда фаолият кўрсатган "Абдурахмон Хошим" фермер хўжалигига ижара асосида 49 йил муддатга пахта ва ғалла маҳсулотларини етиштириш учун ажратилган, Қумқўрғон туман ҳокимининг 24.01.2019 йилдаги Қ374-сонли қарори билан "Абдурахмон Хошим" фермер хўжалиги балансида бўлган ер майдонидан қилшоқ хўжалиги харитасининг 55қ-дала контуридаги, 64,8 балл бонитетли суғориладиган ер майдонининг 59,0 квадрат метр ер майдонини ноқонуний эгаллаб олиб, 2025 йил март-октябрь ойларида ўзбошимчалик билан  $11,0 \times 4,0 = 44$  квадрат метр ўлчамдаги яшаш уйи биноси ва  $5,0 \times 3,0 = 15$  квадрат метр ўлчамдаги бостирма бинолари қуриб олганлиги натижасида суғориладиган ер майдони муомаладан чиқиб кетиши давлат ва жамоат манфаатларига 6.456.525 сўмлик зарар етказилишига сабабчи бўлган.

Судланувчи А.Абдираимов судда, ўзига қуйилган айбга иқрорлик билдириб, қуйидагиларни маълум қилди, яъни "Отам Абдураимов Абдувоҳид 2015 йил ноябрь Қумқўрғон туманида "Абдурахмон Хошим" фермер хўжалигини ташкил қилиб, ушбу фермер хўжалигини ҳозирги кунга қадар раҳбар сифатида бошқариб келмоқда. Фермер хўжалиги пахта ва ғалла етиштиришга мўлжалланган. "Абдурахмон Хошим" фермер хўжалигига туманнинг "Кўганли", "Оқтом" ва "Янги Ўзбекистон" маҳаллалари ҳудудида жойлашган жами 112 гектар ер берилган бўлиб, ушбу ер майдонидан 91 гектари суғориладиган ер майдони сифатида пахта ва ғалла етиштириш учун фойдаланиб келинади. Мен 2022 йил август ойида чорвачилик билан шуғулланиш мақсадида "Абдурахмон Хошим" фермер хўжалиги балансида бўлган ер майдонида  $10,0 \times 6,0$  метр бўлган молхона биноси қуришни бошладим ва сентябрь ойида қурилиш ишларини якунлаб ушбу бинодан ҳозирги кунга қадар фойдаланиб келмоқдаман. 2025 йилнинг 10 октябрь куни Кадастр агентлиги Қумқўрғон туман



бўлими ходимлари томонидан “Абдурахмон Хошим” фермер хўжалигининг ер майдони ўрганилганда, “Абдурахмон Хошим” фермер хўжалиги балансида бўлган қишлоқ хўжалиги харитасининг 106қ-дала контурида жойлашган, тупроқ унумдорлиги 64,8 балл бонитетли суғориладиган ер участкасининг 60,0 кв. метр қисми мен томонимдан ўзбошимчалик билан эгаллаб олиниб, 2023 йилда ўлчами 10,0 х 6,0 метр бўлган молхона биноси қурилганлиги аниқланди. Ушбу молхона биносини ўз маблағим ҳисобидан ёлланма усталар меҳнатидан фойдаланиб қурганман. Ушбу молхона биносини қуришда мендан бошқа оила аъзоларимдан ҳеч ким аралашмаган. Мен томонимдан ўзбошимчалик билан эгаллаб олиниб, молхона биноси қурилган туманнинг “Янги Ўзбекистон” маҳалласи ҳудудидаги, қишлоқ хўжалиги харитасининг 106қ-дала контурларида жойлашган, 64,8 балл бонитетли жами 60,0 кв. метр ер майдони “Абдурахмон Хошим” фермер хўжалигига пахта ва ғалла етиштириш учун ижара шартномаси асосида ажратиб берилганлигини ҳамда ушбу ер майдони суғориладиган экин ер майдони эканлигини билар эдим. Ушбу молхона биносини менинг ўзим ўз маблағим ҳисобидан усталарни ёллаб қурдирганман. “Абдурахмон Хошим” фермер хўжалиги балансида бўлган қишлоқ хўжалиги харитасининг 106қ-дала контурларида жойлашган, 64,8 балл бонитетли, жами 60,0 кв.метр ер майдони мен томонимдан эгаллаб олинган. Мен “Абдурахмон Хошим” фермер хўжалиги балансида бўлган қишлоқ хўжалиги харитасининг 106қ-дала контурларида жойлашган, 64,8 балл бонитетли, жами 60,0 кв.метр ер майдонида молхона биноси қурилишини 2022 йил август ойларида бошлаб, 2022 йил сентябрь ойида тугатганман. Мен эгаллаб олган эгаллаб олган ер майдонингизни “Абдурахмон Хошим” фермер хўжалиги раҳбари отангиз А.Абдураимовдан ёки бошқа бирон кишидан сотиб олмаганман. Мен ушбу ер майдонида ҳеч кимнинг руҳсатисиз молхона биноси қурганман. Мен ушбу ер майдонида ҳеч кимдан сўрамасдан қурилиш қилганман. Ушбу молхона биносини кадастр ҳужжатлари мавжуд эмас. Мен ушбу қурилишни чорвачилик билан шуғулланиш мақсадида қурганман. Бошқа мақсадда қурмаганмиз. Мен ушбу жойнинг суғориладиган ер майдони эканлигини билганман, бироқ қурилиш қилиш жиноят эканлигини билмаганман. Агар билганимда қурилиш қилмаган бўлар эдик. Мен ҳозирги кунда молхона биносини бузганман. Етказилган зарарни қоплаб бердим. Мен қилган ишимдан чин кўнгилдан пушаймонман, суддан енгиллик беришни сўрайман” деб билдирди.

Судланувчи Н.Рабиев судда, ўзига қуйилган айбга иқрорлик билдириб, қуйидагиларни маълум қилди, яъни “Мен 1976 йил август ойида Бойсун туманидан Қумқўрғон тумани “Оқтом” маҳалласига кўчиб келиб, ҳозирги кунга қадар шу маҳаллада яшаб келмоқдаман. Мен 1977 йилда ўзим яшаб турган ҳудуднинг “Ўзбекистон” савхоз раиси М.Худойқуловга томорқа ер майдони ажратиш бўйича ариза билан мурожаат қилганман. Шу вақтда совхоз раисининг қарори билан менга 15 сотих ер майдони томорқа ер сифатида ажратиб берилган. Мен ушбу ер майдонида 1978 йилда 1 қаватли, 4 хонадан иборат яшаш хонадони қуриб шу хонадонда яшаб бошлаганман. Ўша вақтда мен қурган уйнинг рўпарасида қариндошим Рабиев Нуруллога тегишли яшаш хонадони жойлашган эди. Кейинчалик менинг яшаш хонадонимнинг ўнг томонида қариндошим Рабиев Сафар, чап томонида Саидов Раҳматуллолар яшаш уйи бинолари қуриб ҳозирги кунга оила аъзолари билан яшаб келишмоқда. Мен 2000 йиллардан кейин ўзимга тегишли ер майдони ва яшаш хонадонимни кадастр ҳужжатларини расмийлаштирганман. Мен 2025 йил март ўзимга тегишли ер майдонининг чап томонидаги ер майдонидан кенжа ўғлим Холмуминов Ражабали учун 1 қаватли, 4 хонадан иборат яшаш уйи биносини қуришни бошладим ва ушбу уй-жойни 2025 йил октябрь ойига келиб якунладим. Ушбу уй-жой биносидан



ҳозирги кунда кенжа ўғлим Холмуминов Ражабали билан биргаликда яшаб келмоқдаман. 2025 йилнинг 10 октябрь куни Кадастр агентлиги Қумқўрғон туман бўлими ходимлари томонидан “Абдурахмон Хошим” фермер хўжалигининг ер майдони ўрганилганда, “Абдурахмон Хошим” фермер хўжалиги балансида бўлган қишлоқ хўжалиги харитасининг 55қ-дала контурида жойлашган, тупроқ унумдорлиги 64,8 балл бонитетли суғориладиган ер участкасининг 59,0 кв. метр қисми мен томонимдан ўзбошимчалик билан эгаллаб олиниб, 2025 йилда ўлчами  $11,0 \times 4,0 = 44$  квадрат метр ўлчамдаги яшаш уйи биноси ва  $5,0 \times 3,0 = 15$  квадрат метр ўлчамдаги бостирма бинолари қурилганлиги аниқланди. Мен кадастр ходимларига мен қурган уй-жой биноси ўзимга тегишли ер майдонида қурилганлигини, фақатгина бинонинг дарвоза қисми тепасига қилинган устунли айвон қисми “Абдурахмон Хошим” фермер хўжалигига тегишли ер майдонига ўтиб қолганлигини тушунтирдим. Ушбу яшаш уйи биноси ва бостирмани ўз маблағим ҳисобидан ёлланма усталар меҳнатидан фойдаланиб қурганман. Ушбу яшаш уйи биноси ва бостирмани қуришда мендан бошқа оила аъзоларимдан ҳеч ким аралашмаган. Мен томонимдан ўзбошимчалик билан эгаллаб олиниб, молхона биноси қурилган туманнинг “Оқтом” маҳалласи ҳудудидаги, қишлоқ хўжалиги харитасининг 55қ-дала контурларида жойлашган, 64,8 балл бонитетли жами 59,0 кв. метр ер майдони “Абдурахмон Хошим” фермер хўжалигига пахта ва ғалла етиштириш учун ижара шартномаси асосида ажратиб берилганлигини ҳамда ушбу ер майдони суғориладиган экин ер майдони эканлигини билмас эдим. Мен ушбу яшаш уйи биноси ва бостирмани ўзимга тегишли ер майдони деб қурилиш ишларини қилганман. Менга 1977 йилда “Ўзбекистон” савхозии раиси М.Худойкуловнинг қарорига асосан ажратилган 15 сотих ер майдонининг қарори ва ҳужжатларини бундан тахминан 10 йил муқаддам банкдан кредит олиш мақсадида Қумқўрғон туман ҳокимлигига топширилган эди. Аммо кредит олишдан воз кечганлигимиз сабабли ҳужжатлар ўша ерда қолиб кетиб ҳозирги кунга қадар қайтариб олинмаган. Шу сабабли, ушбу ҳужжатларни терговга тақдим қила олмайман. Ушбу  $11,0 \times 4,0 = 44$  квадрат метр ўлчамдаги яшаш уйи биноси ва  $5,0 \times 3,0 = 15$  квадрат метр ўлчамдаги бостирмани менинг ўзим ўз маблағим ҳисобидан усталарни ёллаб қурдирганман. Ушбу яшаш уйи биноси ва бостирмани қуришда мендан бошқа оила аъзоларимдан ҳеч ким аралашмаган. “Абдурахмон Хошим” фермер хўжалиги балансида бўлган қишлоқ хўжалиги харитасининг 55қ-дала контурларида жойлашган, 64,8 балл бонитетли, жами 59,0 кв.метр ер майдони мен томонимдан эгаллаб олинмаган. Мен ўзимга тегишли ер майдонида қурилиш ишларини қилганман. Фақатгина мен қурган уйнинг  $5,0 \times 3,0 = 15$  квадрат метр ўлчамдаги бостирма қисми “Абдурахмон Хошим” фермер хўжалиги балансида бўлган ер майдонига ўтиб қолган экан. Мен “Абдурахмон Хошим” фермер хўжалиги балансида бўлган қишлоқ хўжалиги харитасининг 55қ-дала контурларида жойлашган, 64,8 балл бонитетли, жами 59,0 кв.метр ер майдонида яшаш уйи биноси ва бостирма қурмаганман. Мен ўзимга тегишли ер майдонида яшаш уйи биносини 2025 йил март ойида қурилиш ишларини бошлаб 2025 йил октябрь ойида тугатганман. Мен эгаллаб олган ер майдонимни “Абдурахмон Хошим” фермер хўжалиги раҳбари А.Абдураимовдан ёки бошқа бирон кишидан сотиб олмаганман. Ушбу ер майдони менинг ўзимга тегишли бўлган. Фақатгина яшаш уйи биносининг  $5,0 \times 3,0 = 15$  квадрат метр ўлчамдаги бостирма қисми “Абдурахмон Хошим” фермер хўжалиги балансида бўлган ер майдонига ўтиб қолган экан. Мен ушбу ер майдони ўзимга тегишли бўлганлиги сабабли ҳеч кимдан сўрамасдан қурилиш қилганман. Ушбу яшаш уйи биносининг кадастр ҳужжатларини ҳали расмийлаштирмаганман. Мен ушбу қурилишни кенжа ўғлим Холмуминов Ражабали билан бирга яшаш мақсадида қурганман. Бошқа мақсадда қурмаганман.



Мен ушбу жойнинг суғориладиган ер майдони эканлигини билганман, бироқ қурилиш қилиш жиноят эканлигини билмаганман. Агар билганимда қурилиш қилмаган бўлар эдим. Мен ҳозирги кунда яшаш уйи биносини ўзимга тегишли ер майдонида қурганлигим сабабли фермер хўжалигига қайтарганим йўқ. Ушбу ер майдонига моддий зарар етказганим йўқ. Айбимга қисман иқрорман, чин кўнгилдан пушаймонман. Менга нисбатан қонуний енгиллик берилишини сўрайман. 2014-2015 йилларда мен яшаб турган яшаш уйи биноси кадастр ходимлари томонидан хатловдан ўтказилмаган. 2018 йилда ўтказилган 1 марталик акция тадбирларида мен яшаб турган яшаш уйи биноси кадастр ходимлари томонидан хатловдан ўтказилмаган. Ҳозирда оилавий шароитим оғирлиги сабабли зарарни тўлай олмаганман. Мен қилган ишимдан чин кўнгилдан пушаймонман, суддан енгиллик беришни сўрайман” деб билдирди.

Фуқаровий даъвогар А.Абдираимов судда, қуйидагиларни маълум қилди, яъни “Мен 2015 йил ноябрь Қумқўрғон туманида “Абдурахмон Хошим” фермер хўжалигини ташкил қилиб, ушбу фермер хўжалигини ҳозирги кунга қадар раҳбар сифатида бошқариб келмоқдаман. Фермер хўжалиги пахта ва ғалла етиштиришга мўлжалланган. “Абдурахмон Хошим” фермер хўжалигига туманнинг “Кўганли”, “Оқтом” ва “Янги Ўзбекистон” маҳаллалари ҳудудида жойлашган жами 112 гектар ер берилган бўлиб, ушбу ер майдонидан 91 гектари суғориладиган ер майдони сифатида пахта ва ғалла етиштириш учун фойдаланиб келинади. 2025 йилнинг 10 октябрь куни Кадастр агентлиги Қумқўрғон туман бўлими ходимлари томонидан “Абдурахмон Хошим” фермер хўжалигининг ер майдони ўрганилганда, фермер хўжалиги балансида бўлган қишлоқ хўжалиги харитасининг 55қ-дала контурида жойлашган, тупроқ унумдорлиги 64,8 балл бонитетли суғориладиган ер участкасининг 59,0 кв. метр қисми “Оқтом” маҳалласида яшовчи фуқаро Рабиев Нурали томонидан ўзбошимчалик билан эгаллаб олинди, 2025 йилда ўлчами 11,0 х 4,0 метр ўлчамда яшаш уйи биноси ҳамда 5,0 х 3,0 метр ўлчамда бостирма бинолари қурилганлиги аниқланган. Бундан ташқари, шу куни Кадастр агентлиги Қумқўрғон туман бўлими ходимлари томонидан “Абдурахмон Хошим” фермер хўжалиги балансида бўлган қишлоқ хўжалиги харитасининг 106қ-дала контурида жойлашган, тупроқ унумдорлиги 64,8 балл бонитетли суғориладиган ер участкасининг 60,0 кв. метр қисми “Янги Ўзбекистон” маҳалласида яшовчи ўғлим Абдураимов Азамат томонидан ўзбошимчалик билан эгаллаб олинди, 2023 йилда ўлчами 10,0 х 6,0 метр бўлган молхона биноси қурилганлиги аниқланган. Туман қишлоқ хўжалиги харитасининг 55қ-дала контуридаги ер майдони “Абдурахмон Хошим” фермер хўжалигига қарашли ер майдони ҳисобланади. Фуқаро Н.Рабиев томонидан қурилган 11,0 х 4,0 метр ўлчамдаги яшаш уйи биноси ҳамда 5,0 х 3,0 метр ўлчамда бостирма бинолари 2025 йилда қурилган. Аммо ушбу бинолар “Абдурахмон Хошим” фермер хўжалиги балансида бўлган қишлоқ хўжалиги харитасининг 55қ-дала контурида қурилмаган. Ушбу бинолардан яшаш уйининг дарвозахона тепасининг бир қисми “Абдурахмон Хошим” фермер хўжалиги балансида бўлган қишлоқ хўжалиги харитасининг 55қ-дала контуридаги ер майдони устига тушиб қолган. Аммо Н.Рабиев томонидан “Абдурахмон Хошим” фермер хўжалиги балансида бўлган қишлоқ хўжалиги харитасининг 55қ-дала контурида уй-жой қуриб ноқонуний қурилиш ишлари қилинмаган. Фуқаро Н.Рабиев томонидан қурилган уй-жой ва бостирма бинолари ўзига тегишли ер майдонида қурилганлиги сабабли унга ноқонуний эгаллаб олган ер майдонини “Абдурахмон Хошим” фермер хўжалиги балансида қайтариш ҳақида огоҳлантириш бермаганман. Фуқаро Н.Рабиев томонидан қурилган уй-жой ва бостирма бинолари ўзига тегишли ер майдонида қурилганлиги сабабли мен фуқаро



Н.Рабиёв ноқонуний эгаллаб олган ер майдони ҳақида туман кадастр бўлими ёки бошқа бирор бир ташкилотга оғзаки ёки ёзма равишда хабар бермаганган. Фуқаро Н.Рабиёв ноқонуний эгаллаб олган ер майдонини унга сотмаганман. Фуқаро Н.Рабиёв томонидан қурилган уй-жой ва бостирма бинолари ўзига тегишли ер майдонида қурилган. Туман қилшоқ хўжалиги харитасининг 55қ-дала контуридаги ер майдони “Абдурахмон Хошим” фермер хўжалигига қарашли ер майдони ҳисобланади. Ўғлим А.Абдураимов томонидан қурилган “Абдурахмон Хошим” фермер хўжалиги балансида бўлган қилшоқ хўжалиги харитасининг 106қ-дала контуридаги 64,8 балл бонитетли суғориладиган экин ер майдонида ўлчами 10,0 х 6,0 метр бўлган молхона биноси 2022 йилда қурилган. Ўғлим А.Абдураимов ноқонуний эгаллаб олган ер майдонини “Абдурахмон Хошим” фермер хўжалиги балансига қайтариш ҳақида огоҳлантириш бермаганман. Ўғлим А.Абдураимов ноқонуний эгаллаб олган ер майдони ҳақида туман кадастр бўлими ёки бошқа бирор бир ташкилотга оғзаки ёки ёзма равишда хабар бермаганган. Ўғлим А.Абдураимов ноқонуний эгаллаб олган ер майдонини унга сотмаганман.” деб баён қилди.

Фуқаровий даъвогар Қ.Алматов судда, ўзининг тергов давомида бериб ўтган кўрсатмасини тасдиқлаб, судланувчи А.Абдураимов етказилган 6.565.957 сўм зарарни қоплаб берганлигини, унга нисбатан даъвоси йўқлигини билдириб, суддан судланувчи Н.Рабиёвдан Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси Сурхондарё вилоят бошқармаси фойдасига 6.456.525 сўмни ундириб беришни сўради.

Гувоҳ Р.Мирзаев судда, қуйидагиларни маълум қилди, яъни “Мен 2016 йилдан буён Давлат кадастрлар палатаси Қумқўрғон туман филиали ер ҳисобини юритиш бўйича мутахассиси вазифасида ишлаб келмоқдаман. Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси ва Кадастр агентлиги Қумқўрғон туман бўлими ходимлари билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 08.06.2021 йилдаги “Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чоратadbирлари тўғрисида”ги ПФ-6243-сонли Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21.02.2022 йилдаги “Ер участкаларидан фойдаланишда давлат назорати самарадорлигини ошириш чора-таadbирлари тўғрисида”ги ПҚ-138-сонли Қарорлари ижроси юзасидан Қумқўрғон тумани “Янги Ўзбекистон” ва “Оқтом” маҳаллалари ҳудудида мониторинг таadbирлари олиб борилди. Ўтказилган мониторинг натижасида Қумқўрғон тумани “Оқтом” маҳалласи ҳудудида фаолият олиб борувчи “Абдурахмон Хошим” фермер хўжалиги балансида бўлган қилшоқ хўжалик харитасининг 55қ-дала контуридан ажратилган тупроқ унумдорлиги 64,8 балл бонитетли суғориладиган ер майдонининг 59,0 кв.метр ер майдони фуқаро Рабиёв Нурали Халмуминович томонидан ўзбошимчалик билан эгалланиб, уй-жой қурилганлиги маълум бўлди. Жумладан, Қумқўрғон тумани, “Оқтом” маҳалласида яшовчи фуқаро Рабиёв Нурали Халмуминович Қумқўрғон тумани “Оқтом” маҳалласи ҳудудида фаолият олиб борувчи “Абдурахмон Хошим” фермер хўжалиги балансида бўлган қилшоқ хўжалик харитасининг 55қ-дала контуридан ажратилган тупроқ унумдорлиги 64,8 балл бонитетли суғориладиган ер майдонининг 59,0 кв.метр ер майдонини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиб,  $11,0 \times 4,0 = 44$  квадрат метр ўлчамдаги яшаш уйи биноси ва  $5,0 \times 3,0 = 15$  квадрат метр ўлчамдаги бостирма қурганлиги аниқланди. Фуқаро Н.Рабиёвдан ҳолат юзасидан тушунтириш хати олинганда, ушбу ер майдони ўзига тегишли ер майдони эканлигини маълум қилди ҳамда ерга эгалик ҳуқуқини берувчи ҳужжат сўралганда бирор бир ҳужжат тақдим қила олмади. Юқоридаги ҳолатлар юзасидан Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси Қумқўрғон туман бўлими томонидан 10.10.2025 йилдаги 599-сонли маълумотнома



туман прокуратурасига тақдим қилиниб, фуқаро Н.Рабиевга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 90-91-моддаларига асосан жавобгарлик масаласини кўриш ва ноқонуний қурилган ўзбошимчалик билан қурилган яшаш уйи биноларини мажбурий тартибда буздириш ва ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер майдонини “Абдирахмон Хошим” фермер хўжалигига қайтариш лозимлиги маълум қилинган. Шунингдек, ўтказилган мониторинг натижасида Қумқўрғон тумани “Янги Ўзбекистон” маҳалласи ҳудудида фаолият олиб боровчи “Абдирахмон Хошим” фермер хўжалиги балансида бўлган қишлоқ хўжалик харитасининг 106к-дала контуридан ажратилган тупроқ унумдорлиги 64,8 балл бонитетли суғориладиган ер майдонининг 60,0 кв.метр ер майдони Абдираимов Азамат томонидан ўзбошимчалик билан эгалланиб, молхона биноси қурилганлиги маълум бўлди. Жумладан, Қумқўрғон тумани, “Янги Ўзбекистон” маҳалласида яшовчи фуқаро Абдираимов Азамат Қумқўрғон тумани “Янги Ўзбекистон” маҳалласи ҳудудида фаолият олиб боровчи “Абдирахмон Хошим” фермер хўжалиги балансида бўлган қишлоқ хўжалик харитасининг 106к-дала контуридан ажратилган тупроқ унумдорлиги 64,8 балл бонитетли суғориладиган ер майдонининг 60,0 кв.метр ер майдонини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиб,  $10,0 \times 6,0 = 60$  квадрат метр ўлчамдаги молхона биноси қурганлиги аниқланди. А.Абдираимовдан ҳолат юзасидан тушунтириш хати олинганда, ушбу ер майдони отаси А.Абдираимов раҳбарлигидаги “Абдирахмон Хошим” фермер хўжалигига тегишли ер майдони эканлигини маълум қилди ҳамда ерга эгалик ҳуқуқини берувчи ҳужжат сўралганда бирор бир ҳужжат тақдим қила олмади. Юқоридаги ҳолатлар юзасидан Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси Қумқўрғон туман бўлими томонидан 10.10.2025 йилдаги 138-сонли маълумотнома туман прокуратурасига тақдим қилиниб, фуқаро А.Абдираимовга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 90-91-моддаларига асосан жавобгарлик масаласини кўриш ва ноқонуний қурилган ўзбошимчалик билан қурилган яшаш уйи биноларини мажбурий тартибда буздириш ва ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер майдонини “Абдирахмон Хошим” фермер хўжалигига қайтариш лозимлиги маълум қилинган. Н.Рабиев қурилиш қилган жой туманнинг “Оққопчиғай” массиви, “Оқтом” маҳалласидаги қишлоқ хўжалик харитасининг 55к-дала контури қисмида жойлашган бўлиб, ушбу ер майдони суғориладиган экин ер майдони ҳисобланади. Н.Рабиев туманнинг “Оққопчиғай” массиви, “Оқтом” маҳалласидаги қишлоқ хўжалик харитасининг 55к-дала контури қисмида  $11,0 \times 4,0 = 44$  квадрат метр ўлчамдаги яшаш уйи биноси ва  $5,0 \times 3,0 = 15$  квадрат метр ўлчамдаги бостирмани 2025 йилда қурганлиги аниқланган. А.Абдираимов қурилиш қилган жой туманнинг “Оққопчиғай” массиви, “Янги Ўзбекистон” маҳалласидаги қишлоқ хўжалик харитасининг 106к-дала контури қисмида жойлашган бўлиб, ушбу ер майдони суғориладиган экин ер майдони ҳисобланади. А.Абдираимов туманнинг “Оққопчиғай” массиви, “Янги Ўзбекистон” маҳалласидаги қишлоқ хўжалик харитасининг 106к-дала контури қисмида  $10,0 \times 6,0 = 60$  квадрат метр ўлчамдаги молхона биносини 2023 йилда қурганлиги аниқланган” деб баён қилди.

Гувоҳ С.Халилов судда, қуйидагиларни маълум қилди, яъни “Мен 2022 йилдан буён Кадастр агентлиги Қумқўрғон туман бўлими бош инспектори вазифасида ишлаб келмоқдаман. Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси ва Кадастр агентлиги Қумқўрғон туман бўлими ходимлари билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 08.06.2021 йилдаги “Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6243-сонли Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21.02.2022 йилдаги “Ер



участкаларидан фойдаланишда давлат назорати самарадорлигини ошириш чорат-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-138-сонли Қарорлари ижроси юзасидан Қумқўрғон тумани “Янги Ўзбекистон” ва “Оқтом” маҳаллалари ҳудудида мониторинг тадбирлари олиб борилди. Ўтказилган мониторинг натижасида Қумқўрғон тумани “Оқтом” маҳалласи ҳудудида фаолият олиб боровчи “Абдирахмон Хошим” фермер хўжалиги балансида бўлган қишлоқ хўжалик харитасининг 55қ-дала контуридан ажратилган тупроқ унумдорлиги 64,8 балл бонитетли суғориладиган ер майдонининг 59,0 кв.метр ер майдони Рабиев Нурали томонидан ўзбошимчалик билан эгалланиб, уй-жой қурилганлиги маълум бўлди. Жумладан, Рабиев Нурали Қумқўрғон тумани “Оқтом” маҳалласи ҳудудида фаолият олиб боровчи “Абдирахмон Хошим” фермер хўжалиги балансида бўлган қишлоқ хўжалик харитасининг 55қ-дала контуридан ажратилган тупроқ унумдорлиги 64,8 балл бонитетли суғориладиган ер майдонининг 59,0 кв.метр ер майдонини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиб,  $11,0 \times 4,0 = 44$  квадрат метр ўлчамдаги яшаш уйи биноси ва  $5,0 \times 3,0 = 15$  квадрат метр ўлчамдаги бостирма қурганлиги аниқланди. Н.Рабиевдан ҳолат юзасидан тушунтириш хати олинганда, ушбу ер майдони ўзига тегишли ер майдони эканлигини маълум қилди ҳамда ерга эгалик ҳуқуқини берувчи ҳужжат сўралганда бирор бир ҳужжат тақдим қила олмади. Юқоридаги ҳолатлар юзасидан Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси Қумқўрғон туман бўлими томонидан 10.10.2025 йилдаги 599-сонли маълумотнома туман прокуратурасига тақдим қилиниб, фуқаро Н.Рабиевга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 90-91-моддаларига асосан жавобгарлик масаласини кўриш ва ноқонуний қурилган ўзбошимчалик билан қурилган яшаш уйи биноларини мажбурий тартибда буздириш ва ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер майдонини “Абдирахмон Хошим” фермер хўжалигига қайтариш лозимлиги маълум қилинган. Шунингдек, ўтказилган мониторинг натижасида Қумқўрғон тумани “Янги Ўзбекистон” маҳалласи ҳудудида фаолият олиб боровчи “Абдирахмон Хошим” фермер хўжалиги балансида бўлган қишлоқ хўжалик харитасининг 106қ-дала контуридан ажратилган тупроқ унумдорлиги 64,8 балл бонитетли суғориладиган ер майдонининг 60,0 кв.метр ер майдони фуқаро Абдираимов Азамат томонидан ўзбошимчалик билан эгалланиб, молхона биноси қурилганлиги маълум бўлди. Жумладан, Абдураимов Азамат Қумқўрғон тумани “Янги Ўзбекистон” маҳалласи ҳудудида фаолият олиб боровчи “Абдирахмон Хошим” фермер хўжалиги балансида бўлган қишлоқ хўжалик харитасининг 106қ-дала контуридан ажратилган тупроқ унумдорлиги 64,8 балл бонитетли суғориладиган ер майдонининг 60,0 кв.метр ер майдонини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиб,  $10,0 \times 6,0 = 60$  квадрат метр ўлчамдаги молхона биноси қурганлиги аниқланди. А.Абдираимовдан ҳолат юзасидан тушунтириш хати олинганда, ушбу ер майдони отаси А.Абдираимов раҳбарлигидаги “Абдирахмон Хошим” фермер хўжалигига тегишли ер майдони эканлигини маълум қилди ҳамда ерга эгалик ҳуқуқини берувчи ҳужжат сўралганда бирор бир ҳужжат тақдим қила олмади. Юқоридаги ҳолатлар юзасидан Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси Қумқўрғон туман бўлими томонидан 10.10.2025 йилдаги 138-сонли маълумотнома туман прокуратурасига тақдим қилиниб, А.Абдираимовга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 90-91-моддаларига асосан жавобгарлик масаласини кўриш ва ноқонуний қурилган ўзбошимчалик билан қурилган яшаш уйи биноларини мажбурий тартибда буздириш ва ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер майдонини “Абдурахмон Хошим” фермер хўжалигига қайтариш лозимлиги маълум қилинган. Н.Рабиев қурилиш қилган жой туманнинг “Оққоччиғай” массиви, “Оқтом” маҳалласидаги қишлоқ хўжалик харитасининг 55қ-дала контури қисмида жойлашган бўлиб, ушбу ер майдони суғориладиган экин ер



майдони ҳисобланади. Н.Рабиёв туманнинг “Оққопчиғай” массиви, “Оқтом” маҳалласидаги қишлоқ хўжалик харитасининг 55к-дала контури қисмида  $11,0 \times 4,0 = 44$  квадрат метр ўлчамдаги яшаш уйи биноси ва  $5,0 \times 3,0 = 15$  квадрат метр ўлчамдаги бостирмани 2025 йилда қурганлиги аниқланган. А.Абдираимов қурилиш қилган жой туманнинг “Оққопчиғай” массиви, “Янги Ўзбекистон” маҳалласидаги қишлоқ хўжалик харитасининг 106к-дала контури қисмида жойлашган бўлиб, ушбу ер майдони суғориладиган экин ер майдони ҳисобланади. А.Абдираимов туманнинг “Оққопчиғай” массиви, “Янги Ўзбекистон” маҳалласидаги қишлоқ хўжалик харитасининг 106к-дала контури қисмида  $10,0 \times 6,0 = 60$  квадрат метр ўлчамдаги молхона биносини 2023 йилда қурганлиги аниқланган” деб баён қилди.

Гувоҳлар Х.Гучиёв ва Ф.Жумаёвлар судда ўзларининг тергов давомида бериб ўтган кўрсатмасини тасдиқлаб кўрсатма бериб ўтдилар.

Кадастр агентлиги Қумқўрғон тумани бўлимининг 2025 йил 10 октябрь кунидаги 599-сонли хулосасига кўра, Н.Рабиёв томонидан 59.0 кв.метр ўлчамда уй-жой қурилиш ишлари жойи 55қ-контуридаги тупроқ унумдорлиги 64,8 балл суғориладиган экин ер майдони эканлиги аниқланган.

Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси Сурхондарё вилоят бошқармасининг 13.10.2025 йилдаги 12/25-2567-сонли маълумотномасида, фуқаро Н.Рабиёв томонидан ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган 0,0059 гектар суғориладиган ер майдонига 59.0 кв.метр қурилиш қилганлиги оқибатида етказилган зарар миқдори 6.456.525 сўм эканлиги аниқланган.

Кадастр агентлиги Қумқўрғон тумани бўлимининг 2025 йил 10 октябрь кунидаги 138-сонли хулосасига кўра, А.Абдираимов томонидан 60.0 кв.метр ўлчамда уй-жой қурилиш ишлари жойи 106қ-контуридаги тупроқ унумдорлиги 64,8 балл суғориладиган экин ер майдони эканлиги аниқланган.

Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси Сурхондарё вилоят бошқармасининг 13.10.2025 йилдаги 12/25-2559-сонли маълумотномасида, фуқаро А.Абдираимов томонидан ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган 0,006 гектар суғориладиган ер майдонига 60.0 кв.метр қурилиш қилганлиги оқибатида етказилган зарар миқдори 6.565.957 сўм эканлиги аниқланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 28-моддасида, “Жиноят содир этганликда айбланаётган шахс унинг айби қонунда назарда тутилган тартибда ошқора суд муҳокамаси йўли билан исботланмагунча ва суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланмагунча айбсиз деб ҳисобланади. Айбланувчига ўзини ҳимоя қилиш учун барча имкониятлар таъминланади.

Айбдорликка оид барча шубҳалар, агар уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ёки маҳкумнинг фойдасига ҳал қилиниши керак”;

Мазкур модданинг 5-қисмида, “Агар шахснинг ўз айбини тан олганлиги унга қарши ягона далил бўлса, у айбдор деб топилиши ёки жазога тортилиши мумкин эмас” деб белгиланган.

Суд, Конституциясининг мазкур устувор қоидаларига амал қилиб, судланувчилар Абдираимов Азамат Абдивоҳидович ҳамда Рабиёв Нурали Халмуминовичларнинг айби жиноят ишини кўзғатиш ва иш юритувиغا олиш қарори, билдирги, гувоҳларнинг кўрсатмалари, Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси Қумқўрғон туман бўлимининг 10.10.2025 йилдаги 599-сонли ва 138-сонли маълумотномалари ва мутахассис хулосалари, Қумқўрғон туман ҳокимлигининг 17.10.2025 йилдаги 05-05/817-сонли ва 05-05/818-сонли маълумотномалари, Қумқўрғон туман Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлимининг 17.10.2025



йилдаги 59-сонли ва 60-сонли хулосалари, Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси Сурхондарё вилоят бошқармасининг 13.10.2025 йилдаги 12/25-2559-сонли ва 12/25-2567-сонли маълумотномалари, Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармасининг 15.10.2025 йилдаги мутахассис хулосалари, Аэрогеодезия маркази Сурхондарё худудлараро бўлинмасининг 14.10.2025 йилдаги 01-217-сонли ва 22.10.2025 йилдаги 01-229-сонли маълумотномалари, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомалари, фотосуратлар, тушунтириш хатлари, сўроқ баённомалари, тўлов квитанциялари, маълумотномалар ва бошқа далиллар йиғиндиси билан тўлиқ ўз тасдиғини топади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 16-моддасининг 2-қисми, иккинчи хатбошида, “Бирорта қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституциянинг принцип ва нормаларига зид бўлиши мумкин эмас деб” белгиланган.

Дастлабки тергов органи томонидан судланувчилар А.Абдираимов ва Н.Рабиевларнинг жиноий қилмиш ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 229<sup>1</sup>-моддасининг 2-қисми билан тўғри квалификация қилинган.

Чунки, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2024 йил 16 декабрдаги “Ер тўғрисидаги қонунчиликни бузиш билан боғлиқ жиноят ишлари бўйича суд амалиятининг айрим масалалари тўғрисида”ги 36-сонли қарорининг 4-бандига кўра, Жиноят кодекси 229<sup>1</sup>-моддасининг 2-қисмида назарда тутилган жиноятнинг объекти суғориладиган ер участкасидан фойдаланиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар ҳисобланиши, ер кодексининг 44-моддасига кўра, қишлоқ хўжалигида фойдаланиш ва суғориш учун яроқли бўлган, сув ресурслари шу ерларни суғоришни таъминлай оладиган суғориш манбаи билан боғланган доимий ёки муваққат суғориш тармоғига эга бўлган ерлар суғориладиган ерлар эканлиги;

5-бандига кўра, суғориладиган ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш деганда, қонунчиликда белгиланган тартибда ажратилмаган (реализация қилинмаган), шу жумладан, берилган (реализация қилинган) ер участкасининг чегаралари ваколатли органлар томонидан натурада (жойнинг ўзида) белгиланмаган, ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқлайдиган ҳужжатлар берилмаган ҳолда фойдаланиш тушунилиши, суғориладиган ер участкаларини уларда қурилиш ишларини амалга оширган ҳолда ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш ушбу ер майдонларида ҳеч қандай ҳуқуқий асосга эга бўлмасдан қурилиш ишларини амалга оширишда ифодаланиши, суғориладиган ер участкаларини уларда қурилиш ишларини амалга оширган ҳолда ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш жиноят аниқланган пайтдан бошлаб тамом бўлган ҳисобланиши;

9-бандига кўра, ер, ер ости бойликларидан фойдаланиш шартларини ёки уларни муҳофаза қилиш талабларини бузиш натижасида келиб чиқадиган оқибатларнинг оғирлиги, судлар томонидан тегишли соҳа мутахассисларининг хулосалари ёки далолатномаларига асосан баҳоланиши, суғориладиган ердан фойдаланувчилар (фермер, деҳқон хўжалиги ва бошқалар) улардан фойдаланиш шартларини бузган ҳолда қурилиш ишларини амалга оширса, уларнинг ҳаракатлари Жиноят кодекси 229<sup>1</sup>-моддасининг 2-қисми билан квалификация қилиниши тушунтирилган.

Жиноят-процессуал кодекси 463-моддасига кўра, айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмас ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилиши, айблов ҳукмига жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текшириш, иш материалларида маълум бўлиб қолган барча кам-қўстни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарама-қаршилиқларга барҳам бериш натижасида йиғилган ишончли далилларгина асос қилиб олиниши лозимлиги қайд қилинган.



Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 7-моддасига кўра, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши керак.

Шу Кодекснинг 8-моддасига биноан, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 1, 3-бандларида “Судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилсин”, “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши-ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак”,- деб тушунтириш берилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 20-моддасининг 4-қисмида, “Давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак” деб белгиланган.

Суд, мазкур конституциявий норма талабларидан келиб чиқиб, судланувчи А.Абдираимовга жазо тайинлашда унинг айбига иқроор ва чин кўнгилдан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, оилали, икки нафар фарзанди борлигини, етказилган зарарни қоплаганлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида, жиноятни ғараз ва паст ниятларда содир этганлигини жазосини оғирлаштирувчи ҳолат деб топиб, унга Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 229<sup>1</sup>-моддасининг 2-қисми билан унинг айбига иқроор ва чин кўнгилдан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, оилали, икки нафар фарзанди борлигини, етказилган зарарни қоплаганлигини эътиборга олиб Жиноят кодекси 57-моддасига қўлланиб иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, тайинланаётган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган жойларда ўтатиришни, жазони ўташ муддатини унинг иш ҳақидан белгиланган фоиз суммаси давлат даромади ҳисобига ушлаб қолинган кундан бошлаб ҳисоблашни, жазо ижросини назорат қилишни Қумқўрғон туман ИИБ Пробация гуруҳи мутасаддилари зиммасига юклатишни, эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилишни лозим топди.

Суд, судланувчи Н.Рабиевга жазо тайинлашда унинг айбига иқроор ва чин кўнгилдан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, оилали, олти нафар фарзанди борлигини, нафақахўр эканлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида, жиноятни ғараз ва паст ниятларда содир этганлигини жазосини оғирлаштирувчи ҳолат деб топиб, унга Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 229<sup>1</sup>-моддасининг 2-қисми билан унинг айбига иқроор ва чин кўнгилдан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, оилали, олти нафар фарзанди борлигини, нафақахўр ҳамда ёши кексалигини эътиборга олиб, Жиноят кодекси 57-моддасига қўлланиб ишлаш ёки ўқиш вақтидан, шунингдек иш ёки ўқиш жойигача бориши ва уй-жойига қайтиб келиши учун зарур бўлган вақтдан ташқари қолган вақтларда Қумқўрғон тумани, Оқтом маҳалласидаги уйдан чиқиши чекланган ҳолда



озодликни чеклаш жазоси тайинлашни, унинг зиммасига назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик ҳамда Сурхондарё вилояти худудидан чиқмаслик, кафе, бар, ресторанларга ва бошқа оммавий тадбирларда иштирок эмаслик ҳамда бормаслик, шунингдек, тиббий даволаниш ёки бошқа зарурият туфайли яшаш ёки иш жойи ўзгарган тақдирда бу ҳақда Қумқўрғон туман ИИБга дарҳол маълум қилиш мажбуриятини юклашни, озодликни чеклаш жазосини ўташ муддати у ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблашни, жазони ижро қилишни Қумқўрғон туман ИИБ Пробаця бўлими зиммасига юклашни, унга жазони ўташдан қасддан бўйин товлаган, суд томонидан зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда Жиноят кодекси 48<sup>1</sup>-моддасининг 6-қисмида кўрсатилган ҳуқуқий оқибатлар келиб чиқиши ва жазонинг ўталмаган муддати оғирроқ жазога алмаштирилиши мумкинлиги тушунтирилганлигини қайд қилишни, эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилишни лозим топди.

Шунингдек, етказилган 6.565.957 сўм зарар А.Абдираимов томонидан Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси Сурхондарё вилоят бошқармаси фойдасига тўлаганлигини қайд қилишни, судланувчи Н.Рабиевдан Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси Сурхондарё вилоят бошқармаси фойдасига 6.456.525 сўм ундиришни лозим топди.

Жиноят иши бўйича манфаатдор тарафларга ноқонуний эгалланган ер майдонини қайтариш ва ушбу ер майдонидаги қурилишларни буздириш масаласи бўйича тегишли ҳужжатларни тақдим қилган ҳолда фуқаролик ишлари бўйича суд тартибда ҳал этишлиги мумкинлигини тушунтиришни лозим топди.

Бундан ташқари, ёзма далил тариқасида эътироф этилган ишга ахамиятли бўлган ҳужжатлар жиноят ишига қўшилганлигини қайд қилишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 29-моддасининг 5-қисмида, “Жиноят учун ҳукм қилинган ҳар-ким қонунда белгиланган тартибда ҳукмнинг юқори турувчи суд томонидан қайта кўриб чиқиши ҳуқуқига, шунингдек, авф этиш ёки жазони енгиллаштириш тўғрисида илтимос қилиш ҳуқуқига эга деб” белгиланган.

Суд мазкур конституциявий норма талабидан келиб чиқиб, судланувчиларга мазкур суд ҳукми устида белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқи мавжуд эканлигини тушунтиришни лозим топади.

Юқорида баён қилинганларга кўра ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 454-457, 460, 463, 465-468, 471, 473-моддаларига амал қилиб, суд

ҳ у к м қ и л д и :

Судланувчи Абдираимов Азамат Абдивоҳидович Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 229<sup>1</sup>-моддасининг 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбдор деб топилсин.

Унга Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 229<sup>1</sup>-моддасининг 2-қисми билан шу Кодекснинг 57-моддасига қўлланиб иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Судланувчи А.Абдираимовга тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган жойларда ўтатирилсин. Жазони ўташ муддати унинг иш ҳақидан белгиланган фоиз суммаси давлат даромади ҳисобига ушлаб қолинган кундан бошлаб ҳисоблансин. Жазо ижросини назорат қилиш Қумқўрғон туман ИИБ Пробаця гуруҳи мутасаддилари зиммасига юклатилсин.



Судланувчи А.Абдираимовнинг эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Судланувчи Рабиев Нурали Халмуминович Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 229<sup>1</sup>-моддасининг 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбдор деб топилсин.

Унга Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 229<sup>1</sup>-моддасининг 2-қисми билан шу Кодекснинг 57-моддасига қўллаиб ишлаш ёки ўқиш вақтидан, шунингдек иш ёки ўқиш жойигача бориши ва уй-жойига қайтиб келиши учун зарур бўлган вақтдан ташқари қолган вақтларда Қумқўрғон тумани, Оқтом маҳалласидаги уйдан чиқиши чекланган ҳолда 2 (икки) йил озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Унинг зиммасига назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик ҳамда Сурхондарё вилояти ҳудудидан чиқмаслик;

Кафе, бар, ресторанларга ва бошқа оммавий тадбирларда иштирок эмаслик ҳамда бормаслик;

Шунингдек, тиббий даволаниш ёки бошқа зарурият туфайли яшаш ёки иш жойи ўзгарган тақдирда бу ҳақда Қумқўрғон туман ИИБга дарҳол маълум қилиш мажбурияти юклансин. Озодликни чеклаш жазосини ўташ муддати у ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин. Жазони ижро қилиш Қумқўрғон туман ИИБ Пробация бўлими зиммасига юклансин.

Судланувчи Н.Рабиевга жазони ўташдан қасддан бўйин товлаган, суд томонидан зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда Жиноят кодекси 48<sup>1</sup>-моддасининг 6-қисмида кўрсатилган ҳуқуқий оқибатлар келиб чиқиши ва жазонинг ўталмаган муддати оғирроқ жазога алмаштирилиши мумкинлиги тушунтирилганлиги қайд қилинсин.

Судланувчи Н.Рабиевнинг эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Етказилган 6.565.957 сўм зарар А.Абдираимов томонидан Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси Сурхондарё вилоят бошқармаси фойдасига тўлаганлиги қайд қилинсин.

Судланувчи Н.Рабиевдан Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси Сурхондарё вилоят бошқармаси фойдасига 6.456.525 сўм ундирилсин.

Жиноят иши бўйича манфаатдор тарафларга ноқонуний эгалланган ер майдонини қайтариш ва ушбу ер майдонидаги қурилишларни буздириш масаласи бўйича тегишли ҳужжатларни тақдим қилган ҳолда фуқаролик ишлари бўйича суд тартибида ҳал этишлиги мумкинлиги тушунтирилсин.

Ёзма далил тариқасида эътироф этилган ишга ахамиятли бўлган ҳужжатлар жиноят ишига қўшилганлиги қайд қилинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчилар ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб ўн сутка муддат ичида шу суд орқали Сурхондарё вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг эса кассация тартибида шикоят келтиришга ёки прокурор протест келтиришга ҳақли.

Раислик қилувчи

Б.Тагаев

